

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	83
Хайнриҳ Ҳайнненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	88
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларидан бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚҰЧҚАРОВ	91
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	94
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Б.УМУРЗАҚОВА	97
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	100
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортининг назарий асослари	100

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.НАЗАРОВ	103
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	105
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	109
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	112
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	114
Ёшларда мағкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	116
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	119
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	121
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	124
Эртакнинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матннинг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	127
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	129
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	133
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	135
Болаларфольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	138
Тахаллус ва лақабларнинг кўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	140
Тасвирий санъат машғулотлари орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	142
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	145
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишининг жадал усули	145

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	147
--------------------	-------	-----

УДК: 73/76+371

ТАСВИРИЙ САНЬАТ МАШГУЛОТЛАРИ ОРҚАЛИ ТУШУНЧА, ТАСАВВУРЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШДА КҮРГАЗМАЛИЛИК ПРИНЦИПИННИГ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

И.Юлдашев, И.Пўлатов, Г.Йўлдашева

Аннотация

Мақола тасвирий санъат ўқитувчилари тасвирий санъат фани машгулотларида фойдаланадиган күргазмали воситаларнинг амалий аҳамияти, реалистик тасвиirlар ишлашида күргазмали репродукциялар ўқув жарёнининг мукаммал бўлишида етакчи ўрин эгаллаши ва улардан фойдаланиш аҳамиятига бағишиланган.

Аннотация

Статья посвящена практическому значению использования наглядных средств учителями изобразительного искусства на занятиях изобразительного искусства, а также наглядных репродукций при работе над созданием реалистичных изображений.

Annotation

The article is devoted to practical importance of usage visual means by teacher of art subject during teaching period as well as visual reproductions in the time of creation realist picture.

Таянч сўз ва иборалар: пленэр, абстракционизм, услуб, перспектива, санъат, расм.

Ключевые слова и выражения: пленэр, абстракционизм, стиль, перспектива, искусство, рисунок.

Keywords and expressions: plein air, abstractionism, style, perspective, art, drawing.

Уумумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат дарсларини дидактик принципларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат амалиёт билан назарияни узвий боғлаган ҳолдагина дарс ва дарсдан ташқари ишларда таълим ва тарбиянинг самарали бўлишига эришиш мумкин. Дидактик принциплар ва уларнинг асосий масалалари Европанинг буюк педагог олимлари томонидан илгари сурилган.

Дидактик принциплар ҳисобланган таълим ва тарбиянинг бирлиги, кўргазмалилик, илмийлик, онглилик ва фаоллик, мунтазамлик ва кетма-кетлик, таълим мазмунининг болалар кучи ва ёшига мос бўлиши мактабда тасвирий санъатни ўқитишида алоҳида аҳамият касб этади.

Мактабда тасвирий санъатнинг дидактик принциплари профессорлар Н.Н.Ростовцев, Б.Орипов, В.С.Кузин, Р.Дасановлар томонидан ишлаб чиқилган.

Таълим-тарбия бирлиги принципи дидактик принципларнинг энг асосийларидан ҳисобланади ва бу, тасвирий санъатни ўқитиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, бугунги кунда таълим-тарбиянинг асосий қисмларидан бири ўқувчиларни миллий анъаналар ва миллий мафкура руҳида тарбиялаш ҳисобланади.

Тасвирий санъат дарсларида болаларни миллатлараро тотувлик ва байналмилал руҳда тарбиялаш вазифасини ўқитувчи турли

мавзулардаги миллат ва халқлар ҳаётини ифодаловчи суратларнинг репродукцияларини, халқ эртакларига ишланган иллюстрацияларни намойиш этиш орқали амалга оширади.

Кўргазмалилик принципи тасвирий санъатни ўқитишида борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишга, унинг характерли хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганишга кўмаклашади.

Натурани ўрганиш чоғида (синфда ва пленэрда) ўқувчиларнинг кузатувчанлик ва мантиқий фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Ўқитувчидаги ҳар доим ҳам ўрганилаётган обьектни курсатиш имкони бўлавермайди, бундай ҳолларда унга кўргазмалилик ёрдам беради, бу эса ўқувчиларда мазкур соҳага бўлган қизиқиши жонлантиради.

Ўқувчи натурадан расм чизиш жараёнида доим изланади, шаклларни солиштиради, натуранинг тузилиши, ўлчовлари, шакллари, ранги кабиларни билиб олади. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси ўқувчиларда кузатувчанликнинг ривожланишига олиб келади. Маълумки, болаларда фикрлаш конкретликдан абстрактликкача бориш жараёнида ривожланади. Тушунча ва абстракт қоидалари маълум далил, мисол ва образлар билан мустаҳкамлангандағина ўқувчилар онгига осон етиб боради.

Кўргазмалилик тасвирий санъат дарсларида бошқа ўқув предметларидагидек ёрдамчи эмас, балки ўқувчиларда тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилувчи асосий материалdir.

И.Юлдашев – ФарДУ педагогика-психология факультети тасвирий санъат ва мусиқа кафедраси ўқитувчisi.

И.Пўлатов – ФарДУ тасвирий санъат ва мухандислик графикаси ўйналиши талабаси.

Г.Йўлдашева – ФарДУ тасвирий санъат ва мухандислик графикаси ўйналиши талабаси.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Натуранинг ўзига қараб расм чизища амалий машғулотларни ҳар томонлама таҳлил асосида бажарилиши барча қонуниятлар мезонлар бўйича якунлай олмаслиги мумкин, лекин бундай ҳолатларда кўргазмалилик принципининг аҳамияти жуда катта.

Тасвирий санъат фани бўйича амалий машғулотлар учун кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва танлашда уларга қўйидаги талаблар қўйилиши мумкин:

-дарснинг мақсад ва вазифаларига мослиги;

-ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослиги;

-кўргазманинг аниқлиги, тушунарли бўлиши;

-санъат асарларининг қурилиши бир хил, илмий асосда бўлиши шарт. Перспектива қонуллари ҳисобланган чизиқли ва ҳаво перспективаси, уфқ чизиғи, кесилиш нуқтаси, кузатиш нуқтаси асосида расмни ишлаш, ўлчовларнинг ўзгариш перспективаси, очтўқликнинг ўзгариш перспективаси, рангларнинг ўзгариш перспективаси, шакл ва чегаралардаги аниқликнинг камайиш перспективаси в.б. реалистик расм ишлашга ўргатишнинг асосини ташкил этади.

Сўнгги йиллардаги туб испоҳотлар таълим мазмунини яратиш йўлида дастлабки қадам бўла олади. Бундан кейинги стратегик вазифа эса таълимнинг шахсга йўналтирилган демократик моделини вужудга келтиришдан иборатдир. Бугунги куннинг характерли хусусиятларидан бири ижтимоий, моддий, маданий тараққиётни тамоман янги босқичга кўтарадиган қатор ўзгаришларни вужудга келтира оладиган янги давр кишиси мустаҳкам билим, кўникма ва салоҳиятга эга бўлиши керак. Бу эса таълим тизими, айниқса, таълим мазмунини янги модель асосида кўришни тақозо қилади.

Таълим мазмуни ўқитиш тизимининг муҳим ташкилий қисми ҳисобланиб, унинг

асосий мақсади ўзгаришларни таълим мазмунининг давлат таълим стандартида белгилаб қўйилган негизига мутаносиб тарзда киритишдан иборатдир. Ўқитиш тизимидағи ташкилий-бошқарув, иқтисодий испоҳотларнинг моҳияти янги, юқори сифатли таълим жараёнини ташкил этишнинг барча шартшароитлари ва механизmlарини белгилаб беришни тақозо қилади. Бундай ташкилий чоратадбирларнинг мақсади эса янгилangan таълим мазмунини амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Бугунги кунда амалий жиҳатдан умумий ўрта таълим мазмунини янгилаш, унинг демократик моделини ишлаб чиқиш зарурияти ўз ечимини кутаётган стратегик муаммолардан бирига айланиб қолган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида, айниқса, ўқув-билив жараёни мазмунида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат таълим стандартлари негизида таълим мазмуни муайян даражада янгиланди.

Шу боисдан тасвирий санъат фани ўқитувчисини синф доскасида жуда чиройли ишлай олиши, унинг чизган расм-тасвиirlари, ёзувлари қойил қоладиган даражада бўлиши билан бирга, ўқитувчи ҳар қандай мазмундаги композицияларни осонлик билан, жуда аниқ ишлаши ва дарс жараёнида синф доскасида чизаётган расми оғзаки баёни билан боғланиб борилиши лозим. Бундай жараён ўқувчиларнинг диққатини ўзига тортиб, унинг барқарорлигини таъминлайди. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўқитувчиларга бўлган ҳурмат-эътибори ва ҳатто рассомчилик касбига бўлган меҳр-муҳаббати ҳам орта боради.

Тасвирий санъат ўқув предметини кўргазмаларсиз ўқитиш мумкин эмас. Бунинг учун мактабларда тасвирий санъат кабинетини ташкил этиш, дидактик материалларни тайёрлаш, кабинет кўргазма материалларидан дарс ва бошқа машғулотларда фойдаланишни кенгайтириш ўқитиш самарадорлигини оширади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни .
2. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойdevori. -T., 1997 .
3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори. “Таълим тараққиёти”, 1-максус сон. –T.: Шарқ, 1999 .
4. Ортиков В.Н. Тасвирий санъатни ўқитишнинг замонавий педагогик технологияси, дидактикаси ва методикаси. -T.: Илм-зиё, 2013 .
5. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат асослари. –T., 2009 .
6. Абдурасулов С. Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. –T., 2011 .
7. Зиёмуҳаммедов Б., Абдуллаев Ш. Илғор педагогик технология. Назария ва амалиёт. –T., 2011 .
8. Ешмуҳаммедов Р.М. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари Т.: ТДПУ., 2004 .

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)